

Сайкалий, Хисорий, Собирий (тахаллуслари; исми Собир) (1730— Хисор — 1798) — шоир. «Киссаи Иброхим», «Рангномаи имом Мухаммад Ханафия», «Ахтамнома», «Равзат уш-шухадо» каби диний-дидактик асарлари бор. Уларда Шаркда машхур айрим сюжетлар киска баён этилган. Газал, мухаммас, мусаддас, мусамман ва маснавийларида замонасидан, ҳақсизлик ва кашшокликдан шикоят килган, инсонни, унинг севгисини улуглаган.

Сайкалий ижодида ишкий-саргузашт мазмундаги «Баҳром ва Гуландом» достони алоҳида аҳамиятга эга. Асар маснавий ва лирик жанрларда аралаштириб ёзилган. Кириш қисмида 20 дан ортиқ ишкий сюжетларни санайди. Унинг асарида халқ оғзаки ижодидаги Баҳром образи асосий қаҳрамон қилиб олинган. Рум шахзодаси Баҳромнинг Чин маликаси Гуландомга ошиқ бўлиши ва уларнинг саргузаштлари асарнинг асосий сюжети ташкил этади. Асарда мардлик, ватанпарварлик, садоқат, мақсадга интилишда собитқадамлик каби олижаноб инсоний фазилатлар тараннум этилган. Сайкалий асарлари Марказий Осиё, Қозоғистон, Татаристон ва бошқа жойларда кенг тарқалган, бир неча бор нашр этилган. Қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Ашхобод, Душанба, Самарқанд каби шаҳарлардаги қўлёзмалар фондларида сақланади.

## БАЙТЛАР

Ўз диёримда мени холи маконим бор эди,  
Ақраб қавми қобил меҳрибоним бор эди.  
Бир неча фарзандларим — ширинзабоним бор эди,  
Ўз қўлимда ихтиёру ҳам имконим бор эди,  
Давр жаври бирла қўрки, кетди илгимдин имон.

\* \* \*

Қи ақл, тадбир била айлагил қор,  
Буларни бил, бўлур ҳар вақтда дарқор.

\* \* \*

Қел эмди, Собиро, азми сафар қил,  
Неча қун сайр тоғу баҳру бар қил.  
Ватаннинг қулфатин тоқай чеқарсан,  
Ютарсан тобақай ҳуни жигар сан.

\* \* \*

Ўйигитлик мавсуми, даврон ганимат.

\* \* \*

Гадони шох килур, шохни гадо ишк.

\* \* \*

Хазар кил, кўп жафо килма, эй хур,  
Ки ошик ахлининг охи ёмондур.  
Кечасиз рўз бўлмас, шодсиз гам,  
Равиши дахр илан бу хола одам.

\* \* \*

Халимликни килсанг агар ихтиёр,  
Бўлур халки олам сенга дўст-ёр.  
Бўлур мевали шрхнинг боши паст,  
Халим ўлгуси окилу хушёр.

\* \* \*

Ажаб тўти такаллум хушсуханлар,  
Аларнинг шонида кел эй суханвар.

\* \* \*

Мурувват бирла жонни нисор эт,  
Хамиша яхшиликни шиор эт.

\* \* \*

Бўлсанг оламда фасохат ахлининг сардафтари,  
Хар сўзунг бўлса балогат кулзумининг гавхари.

\* \* \*

Тутиб сохибсуханлар, эй халойик,  
Сўз айтур хар ким ўз холига лойик.